

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 3 (15)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduvoidova Ruxshonaxon Akramjon qizi SHAYBONIY HUKMDORLARINING BIRINCHI VA OXIRGI BIRLASHTIRGAN JANG – JOM JANGI	5
2	Abdullayev Akmaljon Hasanboy o‘g‘li MANG‘ITLAR SULOLASI HUKMDORLARINING TASHQI QIYOFASINI TIKLASHDA SUN‘IY IDROKNING IMKONIYATLARI	10
3	Адилов Абдор Анварович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	16
4	Бабаджанов Хасан Бахтиёрлович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁҒ-МОЙ САНОАТИ	27
5	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТУҒРИСИДА	36
6	Габриэльян Софья Ивановна ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ИРАНА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА	43
7	Дорошенко Татьяна Ивановна ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ТУРКЕСТАНЕ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	53
8	Ishanxodjayeva Zamira Raimovna IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKSTON XOTIN-QIZLARINING IQTISODIY HAYOTDAGI ISHTIROKI (TOSHKENT SHAHRI VA TOSHKENT VILOYATI MISOLIDA)	62
9	Jabbarova Iqbol Xo‘jamuratovna SUV XO‘JALIGINI BOSHQARISHDA INSTITUTSIONAL ISLOHOTLAR: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI	71
10	Kimsanova Ruxshona Xayrulla qizi SEVINCHIXO‘JAXON VA KELDI MUHAMMADXON DAVRIDA TOSHKENT HUKUMRONLIGI	77
11	Mamataliyeva Arofatxon Yuldashali qizi O‘ZBEK MILLIY OSHXONASI VA PALOV AN‘ANASINING MILLIY BREND SIFATIDA SHAKLLANISHI	85
12	Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	91
13	Musayev Azizbek Baxridinovich MANBALARDA XVII ASR FARG‘ONA VODIYSINING IJTIMOY-SIYOSIY HAYOTI AKS ETISHI	103
14	Nazarov Xumoyun Alisherovich MARKAZIY OSIYO QADIMGI JAMIYATLARI TARAQQIYOTIDA IQLIMIY OMILLAR VA LANDSHAFT TRANSFORMATSIYASI	110
15	Нарбеков Абдикамил Вафаевич ВОПРОСЫ АВТОХТОННОСТИ УЗБЕКОВ В ТУРКЕСТАНЕ	120
16	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich SAMARQAND VILOYATI KATTAQO‘RG‘ON TUMANI “JIZMONSOY” MFY.DAN TOPGAN TANGALAR XUSUSIDA	126

17	Очилдиев Файзулла Бабакулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН	144
18	Palvanov Hikmatmatjon Axmatjonovich XORAZM VONASI ANTIK DAVRI METALL HUNARMANDCHILIGINING BA'ZI XUSUSIYATLARIGA DOIR MULOHAZALAR	152
19	Солиев Махмуджон Махамаджонович ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚСИМОТИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИ ИШЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА: ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 йй.)	159
20	Tolibjonov Azizjon Tolibjonovich XORAZMSHOH-ANUSHTEGINIYLAR DAVLATI VA ABBOSIYLAR XALIFALIGI O'RTASIDAGI SIYOSIY ALOQALAR (OTSIZ MAKTUBLARI MISOLIDA)	167
21	Usarov Umid Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYA SENATINING A'ZOSI, GRAF K.K. PALEN BOSHCHILIGIDA TAFTISH KOMISSIYASI HISOBOTLARIDA TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING AKS ETTIRILISHI	174
22	Xakimov Adhambek Ahmadjon o'g'li XIV ASRNING 50-70 YILLARIDA MOVAROUNNAHRDAGI SIYOSIY VAZIYATNI O'RGANISHDA TEMURIYLAR DAVRI MANBALARINING O'RNI	184
23	Xolikulov Axmadjon Boymaxammadovich AMIR HAYDAR HUKMRONLIGI YILLARIDA BUHORO – XIVA MUNOSABATLARI	191
24	Холикулова Шахноза Боймухамматовна ЧИРЧИҚ КИМЁГАРЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ	200
25	Юлдашева Шохсанам Юнусали кизи ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МЕЖПАРЛАМЕНТСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В 2017-2026 ГОДАХ	207
26	Yunusova Xurshida Erkinovna MAMLAKAT QISHLOQ XO'JALIGIDA ISLOHOTLARNING BOSHLANISHI VA UNING MUAMMOLARI	214

Бабаджанов Х.Б.

Бош илмий ходим, т.ф.ф.д. (PhD), доцент

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси

bhasanb@inbox.ru**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁҒ-МОЙ САНОАТИ****АННОТАЦИЯ**

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССР озиқ-овқат, хусусан, ёғ-мой саноати ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида юз берган таркибий ўзгаришлар ва уларнинг иқтисодий оқибатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада уруш даври талаблари асосида пахта майдонларининг қисқартирилиши ва озиқ-овқат экинларининг кенгайтирилиши кутилган ижобий натижани бермаганини, аксинча, хом ашё (чигит) базасининг камайиши туфайли ёғ-мой саноатида чуқур инқирозни юзага келтирганини архив ва статистик маълумотлари асосида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати, ёғ-мой заводлари, сафарбарлик иқтисодиёти, пахтачилик, хом ашё тақчиллиги, режалаштириш.

КИРИШ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет Иттифоқининг фронт орти худуди бўлган Ўзбекистон ССР иқтисодиёти қисқа муддатда ҳарбий изга кўчирилди. Фронтни ҳамда республика аҳолисини узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш республика қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари зиммасига улкан вазифаларни юкледи. Ушбу шароитда қишлоқ хўжалиги ер фонди таркибини қайта кўриб чиқиш, яъни анъанавий пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига дон, сабзавот ва полиз экинлари ҳажмини ошириш чоралари кўрилди. Уруш даврининг қатъий марказлашган режали бошқаруви ва ички ривожланиш ресурсларининг ҳаддан ташқари зўриқиши тармоқлараро мутаносибликнинг бузилишига олиб келди. Мазкур мақолада уруш йилларида Ўзбекистон озиқ-овқат ва ёғ-мой саноатида амалга оширилган ислохотларни нафақат сафарбарлик муваффақиятлари, балки иқтисодий тизимли нуксонлар, хом ашё инқирози ва корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги нуктаи назаридан таҳлил қилинди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши даврида қишлоқ хўжалиги соҳасининг трансформацияси натижасида республикада буғдой ва арпа каби ғалла экинлари, шунингдек, сабзавот ва картошка майдонлари кенгайтириш ҳисобига ғўза экиладиган майдонлар қисқартирилди. Масалан, 1942 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 571-сонли қарорига бўйича ғалла ҳамда полиз-сабзавот экинларига кўшимча ер ажратилиниб, пахта майдонлари нисбатан қисқарди. Республика колхозларига озиқ-овқат экинлари

етиштириш учун қўшимча равишда 147,9 минг гектар ер берилди. Пахтадан бўшаган ерларнинг 122,6 минг гектари дон ва дуккакли экинларга, 14,8 минг гектари шолига, 9,1 минг гектари эса зиғир экишга ажратилди [1]. Умумий жиҳатдан, 1941-1942 йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ер фонди таркибида сабзавот-полиэ экинлари учун майдонлар улушининг 4,9 фоиздан 8,3 фоизга, беда экилган майдонлар 16,5 фоиздан 19,6 фоизгача ортди [2].

Пахта экин майдонларини қисқартирилиши озиқ-овқат таъминотини яхшилаш нуқтаи назаридан мутлақ ижобий натижага олиб келмади. Пахта чигити озиқ-овқат саноатининг муҳим хом ашёси ҳисобланади. Пахта ялпи ҳосилининг камайиши чигитни қайта ишлаш ва кунжара ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига олиб келди. Бу эса чорвачилик учун омухта ем тайёрлашга салбий таъсир кўрсатиб, чорвачилик соҳаси учун сезиларли тарзда салбий таъсир кўрсатди.

Шунингдек, пахта майдонларининг қисқариши ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ҳажмининг тенг камайишига сабаб бўлди. Бўшаган ерларда ғалла ва сабзавотлар экилишига қарамай, кунгабоқар ёки зиғир каби муқобил мойли экинлар майдонлари деярли кенгаймади. 1941 йилда Ўзбекистонда 123,4 минг тонна ёғ ишлаб чиқарилган бўлса, 1942 йилга келиб бу кўрсаткич 85 минг тоннагача тушиб кетди [3]. Мазкур ҳолат пахтадан бўшаган майдонларни қайта экиш аҳоли талаблари ҳамда истеъмол мувозанатини инобатга олмаган ҳолда ноилмий амалга оширилганини билдиради.

Ёғларнинг тўйимлиги (калория миқдори) оксиллар ва углеводларга қараганда икки баробардан ортиқ устунликда намоён бўлади. Шу сабабли, ёғларни нон, картошка ёки сабзавотлар каби углеводларга бой маҳсулотлар билан алмаштириш овқатланиш рационининг умумий озуқавий қийматини пасайтирди. Кунлик озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун нисбатан кўпроқ миқдордаги маҳсулотларни истеъмол қилишга тўғри келган. Озиқ-овқат танқислиги шароитида аҳоли рациониди ёғларнинг етишмовчилигини қоплаш ва керакли тўйимлиликни таъминлаш учун бошқа маҳсулотларга талаб ошиб борди.

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистонда уруш йилларида пахта киладиган майдонлар 927,6 минг гектардан 912,1 минг гектаргача [4], яъни тахминан 15 минг гектарга камайди. 1941-1943 йиллар оралиғида республикада пахта ялпи ҳосилининг кескин пасайиши фақатгина экин майдонларининг қисқариши билан боғлиқ эмас эди. Давлат режадаги кўрсаткичларнинг бажарилмаслигининг асосий сабаби ҳосилдорликнинг сезиларли даражада пасайиши бўлди. Пахта ҳосилдорлиги 1941 йилда ўртача ҳосилдорлик гектарига 18,1 центнерни ташкил этган бўлса, 1942 йилга келиб бу кўрсаткич 11,6 центнерга тушиб қолди [5].

Урушдан олдинги даврда Ўзбекистоннинг ёғ-мой саноати мавжуд хом ашё ресурсларини қайта ишлаш учун етарли ишлаб чиқариш қувватларига эга эди. Уруш даврида республика қишлоқ хўжалиги таркибида юз берган таркибий ўзгаришлар, хусусан, пахта етиштириш ҳажмининг қисқариши соҳанинг асосий хом ашё ҳисобланган чигит миқдорининг сезиларли камайишига олиб келди. Иқтисодий мантиқ ва мавжуд хом ашё тақчиллигига

зид равишда, уруш йилларида республикада янги ёғ-мой корхоналарини барпо этиш жараёни давом эттирилди.

Шундай бўлса-да, 1941-1945 йилларда Ўзбекистон ёғ-мой саноатида экстенсив ривожланиш ва иқтисодий самарадорликнинг пасайиши кузатилган. Хусусан, 1941 йилда республикадаги 8 та йирик корхонанинг йиллик қайта ишлаш қуввати 721,5 минг тоннани ташкил этди. 1945 йил 1 январ ҳолатига кўра корхоналар сони 15 тага етганига қарамай, умумий ишлаб чиқариш салоҳияти 470,5 минг тоннагача, яъни қарийб 35 фоизга қисқарди. Республика ёғ-мой саноатида корхоналар сонининг миқдорий ортиши фонида ялпи ҳамда алоҳида заводларда ишлаб чиқариш қувватларининг пасайиши озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни режалаштириш ҳамда мавжуд ресурс имкониятларини реал баҳолаш тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўрсатиб берди (жадвал) [6]:

Ўзбекистон ССРда ёғ-мой заводларининг йиллик қайта ишлаш қувватлари (минг тонна):

Завод жойлашган ҳудуди		Ёғ-мой заводлари қайта ишлаш қувватлари	
		1941 й.	1.I.1945
1	Когон	65,1	45,0
2	Қўқон	94,8	72,0
3	Наманган	81,0	30,0
4	Янгийўл	69,9	54,0
5	Асака	66,0	36,0
6	Андижон	109,5	72,0
7	Денов	—	9,0
8	Урганч	60,3	30,0
9	Гиждувон	—	6,0
10	Фарғона	174,9	90,0
11	Алимкент	—	7,5
12	Хива	—	3,0
13	Манғит	—	3,0
14	Хожейли	—	10,0
15	Қўнғирот	—	3,0
Жами:		721,5	470,5

Республикада озиқ-овқат саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш жараёни режалаштириш ҳамда ташкилий жараёнларнинг тизимли нуқсонлар шароитида олиб борилиб, қурилиш объектларини барпо этишда қатор камчиликлар билан кечди. Масалан, 1943 йилда Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли, Чимбой ва Қўнғирот шаҳарларида ёғ-мой саноати корхоналарини барпо этилиши пухта ўйланмаган режалар ҳамда

бошқарув тизимидаги жиддий нуқсонлар асосида амалга оширилди. Объектларни барпо этиш жараёнида зарур моддий-техник ва молиявий ресурсларнинг танқислиги, юқори малакали мутахассис кадрларнинг етишмовчилиги ҳамда транспорт-логистика воситаларининг ноқобил ҳолати қурилиш муддатларининг сезиларли даражада узайишида асосий омил бўлиб хизмат қилди.

1942 йилнинг 1-ярим йиллиги бўйича Андижон вилояти ёғ завождари томонидан ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши (минг рубль) [7]:

Корхона номи	Режа	Амалда	Ғоиз
6-сонли ёғ заводи (Андижон)	6035	3621	76,6
5-сонли ёғ заводи (Асака)	3833	913	27,3

Юқоридаги жараёнларни муайян мисоллар талқинида таҳлил қилиш масала моҳиятини чуқурроқ англаш имконини беради. Хусусан, 1942 йилнинг май ойида Андижон шаҳрида жойлашган 6-сонли ёғ заводи томонидан режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажми атиги 80,3 ғоизга бажарилган бўлиб, бу ҳолат бир қатор омиллар таъсирида юзага келди. Биринчидан, махсус ускуналар, жумладан, ҳаракатга келтирувчи тизимларнинг техник жиҳатдан эскириши мажбурий тўхтаб қолишларга ва ишлаб чиқариш қувватларининг пасайишига сабаб бўлди. Иккинчидан, малакали ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли ишга чиқмаслиги мой сиқиш цехида меҳнат унумдорлигининг пасайишини келтириб чиқарди. Натижада, ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш учун жараёнга малакасиз ходимларнинг жалб этилиши иш унумдорлигининг кескин камайишига олиб келди.

Асака шаҳрида жойлашган 5-сонли ёғ заводининг май ойидаги ғолиятида режалаштирилган кўрсаткичлардан сезиларли даражада четлашиш кузатилиб, белгиланган ишлаб чиқариш ҳажми атиги 26,8 ғоизга ижро этилди. Ушбу паст кўрсаткичнинг сабаби корхона энергетика хўжалигининг техник жиҳатдан яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги билан изоҳланди. Зарур молиявий ресурслар ҳамда техник асбоб-ускуналар танқислиги шароитида корхона энергетика тизимини модернизациялаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш имкони бўлмади.

Ишлаб чиқариш занжирининг бир бўғинидаги муаммонинг бартараф этилмаслиги ишлаб чиқариш режаларини сурункали барбод бўлишига сабаб бўлди. Хусусан, мазкур тизимли камчиликлар оқибатида 1942 йилнинг апрель ойида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми белгиланган режанинг атиги 31,6 ғоизини ташкил этди. Аксарият ҳолатларда ойлик режаларнинг бажарилмаслиги бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан эмас, балки хом ашё тайёрлаш ва етказиб бериш босқичларидаги камчиликлар билан боғлиқ бўлди.

1940 ва 1945 йилларда Ўзбекистон ССР, шу жумладан, Тошкент вилоятида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (консервалар минг нисбий банка, қолган маҳсулотлар минг тонна ҳисобида) [8]

	1940	1945
Нон ва нон маҳсулотлари		
Ўзбекистон ССР	937,0	308,6
Тошкент вил.	74,5	48,2
Ўсимлик ёғи		
Ўзбекистон ССР	141,7	41,8
Тошкент вил.	11,3	5,4

1940-1945 йиллар давомида Ўзбекистон ССР, хусусан Тошкент вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасида кузатилган ўзгаришлар республика иқтисодиётининг уруш даври талабларига мувофиқ ҳарбий изга ўтказилиши жараёни билан бевосита боғлиқ эди. Уруш даврида озиқ-овқат саноатининг хом ашё базасини асоси бўлган қишлоқ хўжалигидаги инқирозли ҳолатлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайишига бевосита салбий таъсир кўрсатди. Бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан кескин бўлмасада, фронт таъминоти билан бевосита узвий боғлиқ консерва ишлаб чиқариши ҳам қисқаришдан мустасно бўлмади.

Эътиборли жиҳати, республика миқёсида ўсимлик ёғи ҳамда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми уч баробарга қисқарган пайтда, Тошкент вилоятида бу кўрсаткич икки баробарни ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР бўйича ялпи ун ишлаб чиқариш ҳажми пасайиши фонида Тошкент вилоятида аксинча ўсиш қайд этилди. Тошкент вилоятида ун ишлаб чиқариш ҳажмининг 21 минг тоннадан 30,4 минг тоннагача, яъни 44,7 фоизга ортиши иқтисодиётни марказлашган режали бошқарув механизмлари орқали ресурсларни айнан ҳарбий саноат корхоналари концентрацияси нисбатан юқори Тошкент вилоятига йўналтирилиши натижаси эди.

Ўсимлик ёғи ҳамда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 70-80 фоизгача кескин қисқариши озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги тизимли инқирознинг бевосита оқибати ҳисобланиб, 1945 йилга келиб республика иқтисодиёти тўрт йиллик экстенсив сафарбарлик

натижасида ўз ички ривожланиш ресурсларини тўлиқ сарфлаб бўлганлигини англатади. Сафарбарлик иқтисодиётининг бундай оқибатлари ички иқтисодий имкониятларнинг чегараланганини ва тармоқлараро мутаносибликнинг бузилиши ишлаб чиқариш суръатларига салбий таъсир кўрсатганини кўрсатади. Тармоқдаги бундай чуқур пасайиш уруш даврининг оғир иқтисодий шароитида хом ашё ва ишчи кучи ресурсларининг ҳаддан ташқари зўриқиш билан ишлатилганидан далолат беради.

1940-1945 йилларда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлигининг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (1926/1927-йй. ўзгармас нархларида, минг. руб.) [9]:

Саноат тармоғи	1940	1941	1942	1943	1944	1945
Ўзбекўсимлик ёғ-мой	72485	76397	45269	35808	21377	22483
Нон саноати	90549	102823	69449	57302	48299	48050
Консерва саноати	35220	40622	311178	39058	39640	24824
Кондитер саноати	7401	9015	4768	2656	4676	3490
Макарон саноати	1892	3096	20216	1978	1281	1245

1940-1945 йилларда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлиги таркибидаги трестлар ва корхоналардаги жамғармалар ҳамда мазкур комиссарликнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари республика озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш қуввати ва молиявий барқарорлиги ўртасидаги узвий боғлиқликни очиқ беради. Айниқса, ёғ-мой саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 1940 йилдаги 72,4 миллион рублдан 1944 йилга келиб 21,3 миллион рублгача (3,4 баравар) тушиб кетгани соҳанинг 1943-1944 йилларда катта миқдордаги камомад (минус жамғарма) билан ишлашига олиб келди. Бу ҳолат Ўзбекистон шароитида ёғ-мой саноатига асосий маҳсулот етказиб берувчи пахтачиликда ялпи ҳосилдорлик тушиб кетиши билан боғлиқ эди.

1940-1945 йилларда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлигининг саноат тармоқларида ишчилар ўртача иш ҳақи (руб.) [10]:

Саноат тармоғи	1940	1941	1942	1943	1944	1945
Ўзбекўсимлик ёғ-мой	3135	3274	2801	3891	4128	3953
шу жумладан, “Коммунар” мех. з-д.	—	—	—	10642	9145	10397

Нон саноати	3707	3500	2995	2817	2811	3235
Консерва саноати	2561	2579	2432	3190	3374	3416
Кондитер саноати	2695	2886	2934	2465	2929	3160
Макарон саноати	2902	2556	2872	3258	3494	4308

1940-1945 йилларда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлигининг саноат тармоқларида ўртача ишчилар сони [11]:

Саноат тармоғи	1940	1941	1942	1943	1944	1945
Ўзбекўсимлик ёғ-мой	4505	4284	4309	4605	3491	3385
шу жумладан, “Коммунар” мех. з-д.	—	—	—	42	60	59
Нон саноати	4449	4744	4273	3828	3148	2911
Консерва саноати	1885	2164	2248	2796	2811	2304
Кондитер саноати	318	333	242	172	127	156
Макарон саноати	178	204	147	110	89	75

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати мураккаб шароитларда фаолият юритди. Республика озиқ-овқат саноати хом ашё базасининг чекланганлиги ҳамда қадоклаш материалларининг кескин танқислиги шароитида ўз олдида турган бош вазифа фронтнинг узлуксиз таъминотини кафолатлаш ва шу билан бирга маҳаллий аҳолининг минимал истеъмол талабларини қондириш ўртасидаги нозик мувозанатни сақлашдан иборат эди. Фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилган юқори қийматли гўшт консервалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши тармоқнинг умумий кўрсаткичларида ўзига хос номутаносибликни юзага келтирди. Ушбу ҳолат ялпи маҳсулотнинг пул ифодасидаги қиймати билан маҳсулотнинг реал жисмоний ҳажми ўртасидаги тафовутни сезиларли даражада оширди.

Ёғ-мой саноатининг 1943 йил якунларига кўра 7,9 миллион рубль миқдоридаги бюджет камомади билан фаолият юритгани соҳанинг мустақил молиявий таъминот қобилятидан маҳрум бўлганини яққол тасдиқлайди. Мазкур дефицит ҳолати тармоқнинг тўлиқ давлат дотациясига қарам бўлиб қолишига ҳамда бозор механизмларидан воз кечилган ҳолда марказлашган тақсимот тизимига ўтилишига сабаб бўлди. Натижада саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги иккинчи даражали омилга айланиб асосий эътибор фақатгина фронт учун зарур бўлган маҳсулот ҳажмини ҳар қандай харажатлар эвазига бўлсада таъминлашга қаратилди. Бу эса ўз навбатида урушдан кейинги даврда соҳани қайта тиклаш учун қўшимча капитал қўйилмалар ва чуқур ислохотлар зарурлигини белгилаб берди.

ХУЛОСА

1941-1945 йилларда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида уруш даври талабларига мослашиш мақсадида кескин таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Фронт ва аҳоли таъминотини йўлга қўйиш учун пахта майдонлари қисқартирилиб, озиқ-овқат ҳамда дон экинлари кенгайтирилди. Пахта ҳосилдорлигининг ялпи қисқариши ёғ-мой заводларининг асосий хом ашёси бўлган чигит ҳажмини кескин камайтирди. Бу эса республика миқёсида ялпи ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни бир неча баробарга қисқартириб, аҳоли рационининг озукавий қийматини сустралтирди.

Шу билан бирга, марказлашган бошқарув механизмлари амал қилиш жараёнида хом ашё асосан фронт таъминоти билан боғлиқ тармоқларга йўналтирилди. Хом ашё тақчиллигига қарамасдан ишлаб чиқариш қувватлари ортиқча экстенсив йўл билан ривожлантирилиб, янги корхоналар сонининг миқдорий кўпайиши фонида ёғ-мой саноатнинг реал қайта ишлаш салоҳияти сезиларли даражада пасайиб борди. Заводларда ускуналарнинг техник жиҳатдан эскириши, энергетика таъминотидаги узилишлар ва малакали ишчи кучи етишмовчилиги ишлаб чиқариш режаларининг сурункали барбод бўлишига сабаб бўлди. Бундай шароитда корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги иккинчи даражали омилга айланиб, тармоқ тўлиқ корхоналари супункали камомад шароитида фаолият олиб борди. Иккинчи жаҳон уруши якунига келиб республика озиқ-овқат саноати ўз ички ривожланиш ресурсларини тўлиқ сарфлаб бўлиб, чуқур тизимли инқирозга юз тутди.

Фойдаланган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3270 йиғмажилд, 106-варақ.
2. Қизил Ўзбекистон. 1942, 7 февраль.
3. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йиғмажилд, 15-варақ.
4. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йиғмажилд, 16-варақ.
5. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йиғмажилд, 15об-варақ.
6. Ўз МДА, Р-1619-фонд, 12-рўйхат, 898- йиғма жилд, 9-варақ.
7. Андижон вилоят Давлат архиви, Р-608-фонд, 1-рўйхат, 8772-йиғма жилд, 61-варақ.
8. Ўз МДА, Р-1619-фонд, 12-рўйхат, 1354- йиғма жилд, 4-варақ.
9. Ўз МДА, Р-1619-фонд, 12-рўйхат, 898- йиғма жилд, 24-варақ.
10. Ўз МДА, Р-1619-фонд, 12-рўйхат, 898- йиғма жилд, 43-варақ.
11. Ўз МДА, Р-1619-фонд, 12-рўйхат, 898- йиғма жилд, 42-варақ.

Бабаджанов Х.Б.

PhD., доцент, главный научный сотрудник
мемориального комплекса «Парка Победы»

bhasanb@inbox.ru

МАСЛОЖИРОВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются структурные изменения и экономические последствия волновых процессов в продовольственной и особенно масложировой промышленности, а также в сельском хозяйстве Узбекской ССР в годы Второй мировой войны. На основе архивных и статистических данных автору удалось продемонстрировать, что сокращение хлопковых площадей ради расширения продовольственных культур под влиянием военных требований не привело к ожидаемому позитивному результату. Напротив, этот шаг вызвал глубокий кризис в масложировой отрасли вследствие резкого сокращения сырьевой базы в виде семян хлопчатника.

Ключевые слова: Вторая мировая война, продовольственная промышленность Узбекской ССР, масложировые заводы, мобилизационная экономика, хлопководство, дефицит сырья, планирование.

Babadjanov Kh.B.

PhD., associate professor, chief research
«Victory Park» Memorial Complex

bhasanb@inbox.ru

THE OIL AND FAT INDUSTRY OF UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

ABSTRACT

The article analyzes the structural changes and economic consequences that occurred in the food and specifically oil and fat industries, as well as the agricultural sectors of the Uzbek SSR during the Second World War. Based on archival and statistical data, the author demonstrates that the reduction of cotton cultivation areas to expand food crops under wartime demands failed to yield the anticipated positive results. Instead, this policy triggered a profound crisis within the oil and fat industry due to the substantial decline in the cotton seed raw material base.

Key words: Second World War, food industry of the Uzbek SSR, oil and fat processing plants, mobilization economy, cotton growing, raw material shortage, planning.